



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 18 апрель, № 78 (7308)

Пайшанба

Сайтимиға Утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ПРЕЗИДЕНТ МУН ЧЖЭ ИН:

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖАДАЛ ЯҚИНЛАШУВИ ЗАМИРИДА ДЎСТЛИК ВА ИШОНЧ МУНОСАБАТЛАРИ МУЖАССАМ

Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарига интервью берди.



— **Жаноб Президент, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорлик истисқоболларини қандай баҳолайсиз?**

— Аввало, корей халқи Ўзбекистондан жуда миннатдор эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбек халқи бундан саксон йиллар олдин бошланган айрилган корей миллилатига мансуб фуқароларни ўз бағрига олди. Ушар вақтда Ўзбекистон ва унинг аҳолиси Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан боғлиқ мураккаб даврни бошдан кечирганини ёдга оладиган бўлсак, миннатдорлик туйғуси янада ортади. Корея Республикаси машаққатли йилларда беминанат ёрдам қўлини чўзган ўзбек халқига чуқур ҳурмат-эҳтиром ва дўстлик туйғуси билан қарайди.

1992 йилда, Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганининг кейинги йили мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Икки давлатнинг бундай жадал яқинлашуви асосида дўстлик ва ўзаро ишонч муносабатлари мужассам эди. Мамлакатларимиз ўртасидаги алмашинувлар кенгайиб, энергетика, автомобилсозлик, тўқимачилик саноти, логистика, ахборот технологиялари ва

молия соҳаларида жадал ривожланди. Утган йили ўзаро савдо ҳажми мамлакатларимизнинг алоқалари тарихидаги максимал кўрсаткич — 2,1 миллиард АКШ долларига етди.

Шунингдек, давлат раҳбарлари даражасидаги мулоқотлар ҳам фаол ривожланмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев билан биргаликда халқ ва унинг манфаатлари ҳамма нарсадан устун бўлган давлат бошқаруви фалсафасига амал қиламиш, шахсий муносабатларимиз ҳам яқин дўстлик ва биродарлик руҳида мустақамлашиб бормоқда.

Мамлакатларимиз биргаликда яратётган келажак катта умид билан қарайман. Халқларимизнинг бир-бирига ишончи ва самимий туйғулари чуқур илдири олади, амалдаги ҳамкорлик тажрибаси эса унинг келгуси раванкига хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Евросиёнинг тинчлиги ва муштарак тараққиётини таъминлаш йўлида ҳамкорлик қилишига ишонаман.

— **Жаноб Президент, сизнингча, Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги азалий дўстлик алоқаларининг сири нимада?**

— Мамлакатларимиз азалдан ўзаро ҳамкорлик,

лаш йўллари кенг муҳокама қилишни режалаштирмамиз. Мамлакатларимиз компаниялари ҳамкор давлат бозорига дадил кириб бориши ҳамда икки томонлама савдо ва инвестициялар ҳажми янада ошишига ишонамиз.

Икки томонлама ҳамкорликка оид лойиҳаларни амалга оширишнинг янги имкониятларини излаш, жумладан, газ конларини топиш ва электр станциялари қуришни давом эттирган ҳолда, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ), 5G мобил алоқасининг бешинчи авлод технологиялари, космик технологиялар, саноатнинг янги тармоқлари, хусусан, тиббиёт ва биоиндустрия сингари илм талаб қилувчи илгор соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш ўта муҳим. Ўзбекистон тараққиёти, бу — Корея Республикаси тараққиёти демак. Бизнинг мамлакатимиз иқтисодий ривожланишига оид тажриба билан бажонидил ўртоқлашиш ва турли соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр. Умид қиламизки, халқларимиз ҳаётида ўз аксини топадиган ижобий ўзгариш ва тараққиётга эришамиз.

— **Жаноб Президент, Ўзбекистоннинг Корея Республикаси томонидан амалга оширилган «Янги шимол сиёсати» даги ўрни ва роли нимада иборат?**

— Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб ўртасидаги алоқалар маркази ҳисобланади. Ўзбекистон тарихи математика, тиббиёт ва астрономия фанларига асос солган Ал Хоразмий, Ибн Сино ва Лувбек каби буюк мутафаккирлар номи билан боғлиқ экани бежиз эмас. Ўзбекистон турли мулоқотлар воситасида тамаддулар ривожига хизмат қилган, бугун эса, ана шу восита ёрдамида инновация ва тараққиётга эришмоқчи.

Корея Республикаси ҳам, ўз навбатида, алмашинувлар тўғрисида тараққиётга эришган.

Кореяда хозир ҳам қадимий Марказий Осиё билан муносабатлар излари топишмоқда. Бинобарин, биз ўз вақт давомида бошқа мамлакатлар билан савдо орқали янги маданият ва тамаддулардан баҳраманд бўлганмиз. Бугунги кунда ҳам технологиялар алмашинуви ва савдога асосланган иқтисодий тараққиёт йўлидан бормоқдамиз.

«Янги шимол сиёсати» Корея яриморлида барқарор тинчлик ва тараққиётга эришишга қаратилган. Ушбу сиёсат икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик доирасидан чиққан ҳолда, Марказий Осиё ва бутун Евросиёнинг умумий тараққиётга хизмат қилади. «Янги шимол сиёсати»ни амалга оширишда Евросиёнинг муҳим шерикларидан ҳисобланган Ўзбекистон билан алоқаларни мустақамлаш ва Янги Ипак йўли даври бошланishiга умид қиламиз.

— **Жаноб Президент, географик жиҳатдан бир-бирдан узоқ бўлса-да, кўпчилик халқларимизнинг миллий характери ва фикрлаш тарзи ўхшаш эканини қайд этади. Жаноб Президент, сизнингча, икки мамлакат ўртасида алоқалар шаклланишига маданий ҳамкорлик ва гуманитар алмашинув қандай аҳамият касб этади?**

— Ўзбекистон ва Корея нафақат географик жиҳатдан бир-бирдан узоқ, балки уларни пурвиқор тоғлар, баланд тепалик ва саҳролар ажратиб туради. Шунга қарамай, ўзаро муносабатлар ва бир-биримизни янада яқинлаштиришга интилиш тобора кучайиб бормоқда. Бу сафар Тошкентда ўз эшикларини очадиган «Корея маданияти ва саноат уйи» халқларимизни янада яқинлаштиришига ишончим комил. Президент Шавкат Мирзиёевга алоҳида эътибор, Ўзбекистон халқига эса юксак савоҳат учун миннатдорлик изҳор қилмоқчиман.

Сўнги пайтларда Корея Республикасида Буюк Ипак йўли тамаддуни ўчоғи бўлган Ўзбекистонга қизиқиб тобора ортмоқда. Уйлайманки, утган йили жорий этилган визасиз тартиб ва бу йилдан авиарейслар сони оширилгани тўғрисида келажакда фуқароларимиз ўртасида борди-келди янада кўпаяди. Бундан ташқари, мамлакатларимиз қадим аёнана ва маданиятга эга. Умид қиламизки, бу ўзаро алмашинувлар ва мулоқотни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Бу нафақат икки томонлама алоқаларни мустақамлаш, балки инсоният маданий меросини келажак авлодларга етказишда ҳам улкан аҳамият касб этади.

— **Жаноб Президент, «Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик форумининг Марказий Осиё барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги роли хусусида тўтлансангиз.**

— Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасининг фаол саёй-ҳаракатлари тўғрисида Марказий Осиёда ҳамкорлик муҳити қарор топмоқда. Кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш Марказий Осиёнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётга хизмат қилади.

Корея Республикаси 2007 йилдан бугун Марказий Осиё минтақасида ҳамкорликни ривожлантириш йўлида ишларни амалга оширмоқда. «Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик форуми доирасида хар йили Марказий Осиёнинг беш мамлакат ҳукумати, ишбилармон ва илмий доираларининг масъул вакиллари, маданият арбоблари билан алмашинув ва алоқалар, шунингдек, давлат компаниялари ва хусусий бизнес иштирокида қўшма ҳамкорлик лойиҳалари татбиқ этилмоқда. 2017 йил июль ойида Сеулда «Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик форуми котибияти ташкил этилган эди. Айни пайтда бизнинг мамлакатимиз ва Марказий Осиё давлатлари вакиллари томонидан транспорт, логистика, энергетика ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фаол иш олиб боришмоқда.

Жорий йилнинг иккинчи ярмида Корея Республикаси ва Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигига доир XII форум бўлиб ўтади. Мазкур форум вазиранлар даражасида ўтказилаётгани унинг аҳамиятини янада оширади. У ядродан холи худуд барпо этиш ва Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига хизмат қилган Марказий Осиёнинг билим ва тажриба алмашиш майдончасига айланishiга умид қиламиз. «Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик форуми минтақадagi алоқаларни янада мустақамлаш ва Евросиёда тинчлик ва тараққиёт концепциясини амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини истаб қолардик.

— **Жаноб Президент, «Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик форумининг Марказий Осиё барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги роли хусусида тўтлансангиз.**

— Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасининг фаол саёй-ҳаракатлари тўғрисида Марказий Осиёда ҳамкорлик муҳити қарор топмоқда. Кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш Марказий Осиёнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётга хизмат қилади.

Корея Республикаси 2007 йилдан бугун Марказий Осиё минтақасида ҳамкорликни ривожлантириш йўлида ишларни амалга оширмоқда. «Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик форуми доирасида хар йили Марказий Осиёнинг беш мамлакат ҳукумати, ишбилармон ва илмий доираларининг масъул вакиллари, маданият арбоблари билан алмашинув ва алоқалар, шунингдек, давлат компаниялари ва хусусий бизнес иштирокида қўшма ҳамкорлик лойиҳалари татбиқ этилмоқда. 2017 йил июль ойида Сеулда «Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик форуми котибияти ташкил этилган эди. Айни пайтда бизнинг мамлакатимиз ва Марказий Осиё давлатлари вакиллари томонидан транспорт, логистика, энергетика ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фаол иш олиб боришмоқда.

Жорий йилнинг иккинчи ярмида Корея Республикаси ва Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигига доир XII форум бўлиб ўтади. Мазкур форум вазиранлар даражасида ўтказилаётгани унинг аҳамиятини янада оширади. У ядродан холи худуд барпо этиш ва Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига хизмат қилган Марказий Осиёнинг билим ва тажриба алмашиш майдончасига айланishiга умид қиламиз. «Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик форуми минтақадagi алоқаларни янада мустақамлаш ва Евросиёда тинчлик ва тараққиёт концепциясини амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини истаб қолардик.

Корея Республикаси Президенти Матбуот хизмати сўзи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлашда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган комплекс чора-тадбирлар натижасида давлат тиббиёт муассасалари сонини янада кўпайтириш ҳамда улар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Шу билан бирга, хусусий тиббиёт муассасаларининг аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишдаги ҳиссасини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни жорий этишнинг институционал ва ҳуқуқий механизмларини яратиш масаласи ҳали-ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Хусусий соғлиқни сақлаш янада ривожлантириш, ушбу соҳада давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, инвестицияларни, айниқса, чет эл инвестицияларини жалб этишни кенгайтириш, шунингдек, аҳолининг юқори технологик тиббий хизматлар ва ускуналардан фойдаланиш имкониятларини оширишда нодавлат сектори иштирокини рағбатлантириш мақсадига:

1. **Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги низом** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. **Белгилансинки:** а) **соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари** давлат ва хусусий шерик ўртасида қуйидаги бир ёки бир неча шакллари билан яратилиши амалга оширилади:

соғлиқни сақлаш соҳасида жамоат инфратузилмасини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, яратиш, жиҳозлаш, модернизация қилиш, молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш;

соғлиқни сақлаш соҳасида товарларни етказиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазиранлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари **хусусий шерикни танлаб олиш тендер асосида ёки тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали** амалга оширилади;

в) **битимнинг амал қилиш муддати давлат ва хусусий шерик томонидан белгиланади.** Бунда у уч йилдан кам бўлмаслиги ва 49 йилдан ошмаслиги керак;

г) давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда хусусий шерикка ажратилган ер участкалари, сотиб олинган тиббий ва бошқа ускуналар, шунингдек, улар томонидан қурилган объектлар **битимнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг давлат шеригига топширилади.**

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И 2019 – 2028 йиллар даврида ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚАТТИҚ МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, худудларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш соҳасида изчил сиёсат амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2017-2018 йилларда қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимининг инфратузилмасини тақомиллаштириш бўйича кенг қўлмали ишлар олиб борилди, 13 та санитария жиҳатидан тозалаш давлат унитар корхоналари ҳамда уларнинг туман ва шаҳарлардаги 172 та филиали, шунингдек, 9 та маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерлари ташкил этилди. Қўрилган чора-тадбирлар аҳолининг деярли ярмини санитария жиҳатидан тозалаш хизматлари билан қамраб олинишига имкон берди.

Шу билан бирга, қишлоқ аҳоли пунктларида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматларнинг етарли даражада таъминланмаганлиги, қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги инфратузилманинг қониқарсиз ҳолатда эканлиги, мавжуд қаттиқ маиший чиқинди полигонларининг санитария талаблари ва экологик меъёрларга мувофиқ келмаслиги мазкур соҳада комплексли чора-тадбирларни қабул қилишни талаб этмоқда.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, ташвиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва қўлимш бўйича самарали тизимни яратиш, уларнинг фуқаролар соғлиғи ва атроф-муҳитга зарарли таъсирини бартарф қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ — 5635-сонли «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини» «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадига:

1. Қуйидаги асосий вазибаларни амалга оширишни назарда тутуви, **2019 — 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини** (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин: аҳолининг қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлашга йўналтирилган санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасини ривожлантириш;

(Давоми 2-бетда).

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги келишувлар ижроси муҳокама қилинди

Олий Мажлис Сенатида Франциянинг Европа ва ташқи ишлар бўйича вазири ҳузуридаги Давлат котиби Жан-Батист Лемуан бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ишончли ва узоқ муддатли ҳамкор сифатида Франция билан муносабатларни ривожлантиришга катта аҳамият бераётгани таъкидланди. Томонлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил октябрда Францияга ташрифи доирасида эришилган келишувларни амалга ошириш жараёнини муҳокама қилдилар.

Маълумотларга кўра, хозирги вақтда инвестиция соҳасида 3 миллиард 398 миллион евро ҳажмига тенг 17 та икки томонлама келишувни ижро этиш бўйича «Йўл харитаси» татбиқ этилмоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида 15 та лойиҳа амалга оширилди. Мисол учун, Тошкент шаҳрида Франциянинг «Suez» компанияси билан пойтахт сув таъминоти тизимини бошқариш бўйича 150 миллион евролик лойиҳа рўйга чиқарилмоқда.

Учрашувда хорижий инвесторлар, ҳамкорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш қафолатларини мустақамлаш бўйича Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларга юқори баҳо берилди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, Жан-Батист Лемуан Ўзбекистон — Франция Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳужжатларга комиссиясига ҳамраиси ҳисобланади ва Франция Президенти Эммануэл Макрон томонидан 2018 йил октябрдаги Ўзбекистон — Франция саммити доирасида эришилган келишувларнинг ижроси учун масъул этиб тайинланган.

Учрашувда Франция Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Виолет Де Вильмор иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинган хорижий делегациялар сон 68 тани ташкил этди. Шунингдек, қуйи палата депутатлари ва девони ходимларининг чет мамлакатларга расмий ташрифлари сони 70 дан ошди.

Мазкур кўрсаткичлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан «Замоनावий халқаро муносабатларда парламент дипломатияси омилли: тенденциялар ва истиқбол» мавзуда ўтказилган давра сўхбатига айтиб ўтилди.

Кейинги икки йил ичида Парламентлараро Иттифок, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент Ассамблеяси ҳамда Мустақил Давлатлар

Мунисхон КАРИМОВА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш доирасида соғлиқни сақлаш соҳасида инвестиция киритадиган инвесторларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида жамғарма маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлаш (кейинги ўринларда — имтиёзли кредитлаш) тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Жамғарма давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташқи қилинадиган тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги "Озиқ-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика sanoatida инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ — 2718-сонли қарорига асосан очилган кредит линияларининг танланмаган маблағлари ҳисобидан ваколатли тижорат банкларига 10 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган, йиллик фойз ставкаси 6 ойлик ЛИБОР плюс 2 фойзга тенг, умумий миқдори 200 миллион АҚШ доллари гача бўлган кредит линияларини очсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш доирасида имтиёзли кредитлаш тижорат банклари томонидан:

Фақатгина импорт қилинадиган замонавий тиббий ускуналар ва инвентарларни сотиб олиш учун — чет эл валютасида киритиладиган инвестиция умумий ҳажмининг 20 фойзидан кўп бўлмаган миқдорда;

3 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда, 8 йилгача бўлган муддатга қайта молиялаштирувчи банкнинг маржаси билан бирга йиллик 1 фойз миқдорда;

инвестор томонидан киритиладиган инвестициялар умумий ҳажмининг 80 фойзидан кам бўлмаган миқдорда хусусий, шу жумладан, хорижий инвестиция киритиш шарти билан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ва Адлия вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда республика иxtисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари билан биргаликда бир ой муддатда ва кейинчалик ҳар йили давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида давлат тиббиёт муассасаларининг ер участкалари, бинолари ёки уларнинг қисмлари ва хоналари, шунингдек, самарасиз фаолият кўрсатаётган давлат тиббиёт муассасалари ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида устувор йўналишга эга бўлган тиббий ва қўшимча хизматлар рўйхатини шакллантириш ва улар тўғрисидаги маълумотларни тегишли иxtисослашган веб-сайтларга жойлаштирсин;

икки ой муддатда илғор халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик битимларининг намунавий шакллари ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

уч ой муддатда соғлиқни сақлаш соҳасида, шу жумладан, республика иxtисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари иштирокида амалга ошириладиган бирламчи аҳамиятга эга бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг концепциясини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

2019 йил 15 августга қадар давлат-хусусий шериклик битимларини тузиш ҳуқуқини берувчи тендер эълон қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги

Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ва республика иxtисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари билан биргаликда, шу жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва республика иxtисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг бюджетдан ташқари маблағлари, техник кўмак маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан экспертлар ва консултантларни жалб этган ҳолда давлат-хусусий шериклик аниқ лойиҳаларининг концепциялари, битимлари ҳамда тендер ҳужжатларининг ишлаб чиқилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда хорижий инвесторларга давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисида маълумот етказилишини, шу жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида ва "Инвестиция портали"да эълон бериш орқали таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, бошқа таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти негизида давлат тиббиёт муассасалари раҳбарлари учун хорижий инвесторларни жалб этиш ва соғлиқни сақлаш соҳасида инвестицион фаолиятни бошқариш масалалари бўйича мазкур тиббиёт муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан шартнома асосида қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил қилсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Қуйидагиларга: Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳакимовга — соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш доирасида вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали

мувофиқлаштириш, шунингдек, мазкур қарорнинг амалга оширилишини мунтазам муҳокама қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж. А. Қўчқоровга — соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш учун зарур бўладиган бюджет маблағларининг ҳажминини ўз вақтида аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. К. Шодмоновга — соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш ҳамда уларни амалга ошириш, лойиҳалар ташаббускорларига зарур бўладиган молиявий-иқтисодий Ҳисоб-китоблар, статистик ва бошқа маълумотларни олишда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги директори Г. А. Холжигитовга — Соғлиқни сақлаш вазирлигига давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда, шу жумладан, аниқ лойиҳаларнинг концепциялари, битимлари ҳамда тендер ҳужжатларини ишлаб чиқишда кўмаклашиш юзасидан шахсий жавобгарлик белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А. А. Абдуҳакимовга, Э. М. Фаниев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2019 йил 16 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2019 – 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлашнинг самарали ва замонавий тизимини яратиш;

полигонларга қўмиш учун йўналтириладиган қаттиқ маиший чиқиндилар ҳажминини камайтириш, санитария ва экологик меъёrlар талабларига мувофиқ келадиган замонавий қаттиқ маиший чиқинди полигонларини яратиш, шунингдек, мавжуд полигонларни ёпиш ва рекультивация қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриш;

санитария жиҳатидан тозалаш соҳасида нархлар шаклланишини тақомиллаштириш ва тарифларни оптималлаштириш;

қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларидан муқобил энергия манбалари сифатида фойдаланиш.

2. Қуйидагилар Стратегиянинг асосий принциплари этиб белгилансин:

Стратегияни амалга оширишнинг барча босқичларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши;

қаттиқ маиший чиқиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсиридни камайтириш мақсадида улар билан амалга ошириладиган барча жараёнлар устидан назоратни таъминловчи қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича харажатлар чиқиндиларни ҳосил қилувчилар томонидан қопланишини кўзда тутувчи, тегишли ҳуқуқий ва иқтисодий асосларни яратиш заруратини белгилувчи "ифлослантирувчи тўлалиқ" принципини жорий этилиши;

танлов асосида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш жараёнининг очиқлиги ва шаффофлиги.

3. Стратегия қуйидаги босқичларда амалга оширилиши белгилансин:

биринчи босқич (2019 — 2021 йиллар) — қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчилик базасини ва иқтисодий тартиблар механизмининг тақомиллаштириш, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш кетиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг самарали ташкил этилишини таъминлаш мақсадида санитария жиҳатидан тозалашнинг моддий-техника базасини ва инфратузилмасини ривожлантириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида экологик таълим тизимини ривожлантириш учун методик ва ахборот таъминотини яратиш;

иккинчи босқич (2022 — 2028 йиллар) — қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаб йиғиш бўйича инфратузилмани ривожлантириш, полигонларни оптималлаштириш, қайта юклаш станциялари ва чиқиндиларни қайта ишлаш объектларини қуриш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерларини фаолиятини тақомиллаштириш, уларнинг қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича салоҳиятини ривожлантириш, шунингдек, қуйидаги мақсадли индикаторларга эришиш:

аҳолини қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш кетиш бўйича хизматлар билан қамраб олишни 100 фойзга етказиш;

ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларнинг камида 60 фойзини қайта ишлаш таъминлаш;

ўзига хос қаттиқ маиший чиқиндиларни (таркибида симоб бўлган чиқиндилар, автошиналар, аккумуляторлар, ишлатилиб бўлинган мойлар, қадоклаш чиқиндилари ва х. к.) қайта ишлаш ҳажмини 25 фойзгача ошириш;

полигонларга қўмиш учун йўналтириладиган қаттиқ маиший чиқиндилар ҳажмини 60 фойзгача камайтириш;

барча полигонлар ҳолатини ўрнатилган талабларга мувофиқлаштириш, ёпилган полигон ерларини тўлиқ рекультивация қилиш;

қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларида муқобил энергия манбаларидан 35 фойзгача фойдаланиш;

полигонлар ҳолати мониторингини (ер ости (сизот) сувлари ва атмосфера ҳавосининг ҳолати устидан назорат) 100 фойзгача таъминлаш.

4. 2019 — 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури (кейинги ўринларда — Ҳаракатлар дастури) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат вазирлиги параметрларини шакллантириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг асосланган Ҳисоб-китоблари бўйича Ҳаракатлар дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги Ҳаракатлар дастурида кўзда тутилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини, шунингдек, маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли молиялаштириш маблағларининг хусусий секторга жалб қилинишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси аҳолининг экологик маданиятини ошириш бўйича ишларни, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга

ошириш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, кенг қўламли тарғибот фаолиятини ташкиллаштиришни кучайтирсин.

8. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири А. Ж. Раматовга — Стратегия ва Ҳаракатлар дастурининг амалга оширилишида масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали ташкиллаштириш ҳамда мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б. Т. Кучқаров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига — Стратегия ва Ҳаракатлар дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг ўз муддатларида бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини ёритиш бўйича, шунингдек, Стратегия ва Ҳаракатлар дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисида мақолалар ҳамда мавзуга оид кўрсатувларни ташкил этсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2019 йил 17 апрель

Парламент ҳаёти

Халқаро рейтинглар биз учун қанчалик муҳим?



Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индексларда юқори ўринларни эгаллаши жуда муҳим. Чунки бу каби рейтинг ва индекслар бугунги кунда нафақат экспертлар, балки давлатлар даражасида ислохотлар ва иқтисодий сиёсатнинг муваффақиятли мезони сифатида қўлланила бошланди. БМТнинг "Инсон камолоти индекси" (Human Development Index), Жаҳон иқтисодий форумининг "Глобал рақобатбардорлик индекси" (Global Competitiveness Index), Жаҳон банкнинг "Бизнес юритиш" рейтингини (Doing Business) бўйича натижалар кўп давлатларда, жумладан, Ўзбекистонда турли даражадаги дастурлар ишлаб чиқилишида мақсадли йўналиш сифатида хизмат қиляпти.

Қувонарлиси, "Бизнес юритиш" рейтингини мамлакатимиз жаҳоннинг 190 давлати орасида 2012 йилдаги 166-ўриндан 2018 йилда 76-ўринга

кўтарилиди. Ўзбекистон 2022 йилгача мазкур рейтингда жаҳон мамлакатларининг биринчи йиғирматалиги даражасига мос келадиган энг қулай шарт-шароитларни яратишга интиломда. Бу мақсад Президентимизнинг 2018 йил 13 июлдаги "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига ўз ифодасини толган. "Doing business" рейтингини Ўзбекистон ўрнини юксалтириш: эришилган натижалар ва устувор йўналишлар" мавзусида ўтказилган давра суҳбатига худди шу мақсадларга эришиш йўлида қилинаётган ишлар муҳокама этилди. Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси

Президенти Администрацияси ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда соҳанинг маҳаллий ва хорижий экспертлари иштирок этди. Қатнашчилар юртимизда олиб борилаётган ишлар, хусусан, ҳамкорликдаги тадбирлар ҳақида ахборот алмашди. Маълум бўлишича, 2022 йилда "Бизнес юритиш" рейтингини давлатимизни 20-ўринга кўтариш борасида қатор вазирлик ва идоралар зиммасига аниқ вазифалар юклатилиб, тегишли "Йул харитаси" тасдиқланди. Бундан ташқари, жорий йил март ойда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга инвестициявий муҳитни яхшилашга қаратилган "Бизнес юритиш" ҳисоботи методологияси талабларини жорий

қилишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Унинг асосида кўчмас мулк олди-сотиши тўғрисидаги шартномани нотариал тартибда тасдиқлаштириш бекор қилинди, акциядорлик жамиятлари ва масъулиятли чекланган жамиятлар устав жамғармасининг энг кам миқдориغا қўйилган талаб рад этилди, лицензия талабларидаги устав капиталининг энг кам миқдорида тааллуқли меъёрлар белгиланди. Акциядорлик жамияти устав капиталда камида 15 фойзлик улушга эга инвесторнинг бўлиши ҳақидаги талаб ҳам эндиликда кучга эга эмас. Миллий ва хорижий экспертлар мамлакатимизда ишбилармонлик муҳити

яхшилانгани, соҳанинг ҳуқуқий базаси жаҳон стандартлари даражасида тақомиллаштириб берилаётганини таъкидлашди. Шу билан бирга, "Бизнес юритиш" рейтингини индикаторлари ҳақида фикр юритилар экан, корхоналарни ташкил этиш, қурилишни бошлаш учун рухсатнома олиш, мулкни рўйхатдан ўтказиш, электр таъминоти тизимига улашиш, кредитлар олиш, контрактлар бажарилишини таъминлаш каби йўналишлардаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинди ва уларнинг ечимлари юзасидан амалий тақлифлар берилди. Шунингдек, давра суҳбатига мамлакатимизда куллий инвестициявий муҳитни шакллантиришга тўсқинлик қилаётган миноритар, яъни кичик сармага киритувчи инвесторлар ҳуқуқларини химоя қилиш, солиққа тортиш, халқаро савдодаги муаммолар ҳам муҳокама этилди.

Анжуманда бизнес хизматлари сифатини ошириш, инвестицияларни янада кенгроқ жалб қилиш, давлат идоралари ва ишбилармон доиралари ўртасида мунтазам мулоқотлар олиб боришга қаратилган долзарб масалалар бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар алмашилди. Тадбир якунида соҳада қонунчилик базасини янада тақомиллаштириш, мамлакат иқтисодийтига инвестицияларни жалб қилиш масалалари юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Мунисхон ҚАРИМОВА («Халқ сўзи»). Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Сўз — тадбир иштирокчиларига

Матильда ДИМОВСКА, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили:

— Мазкур давра суҳбати юртимизда қўлга киритилётган натижаларни янада яхшилаш учун қилинадиган ишларни белгилаш, камчиликларни биргаликда таҳлил қилиш имконини беради. Сир эмас, сўнгги беш йил ичида мамлакатимиз юқори ўринларни кўлга киритишга эришди. Аммо, шуниси ҳам борки, асосий мақсад фақат рейтинг натижаларини яхшилаш эмас, балки тадбиркорлик, халқаро бизнес учун қулай шароитларни яратишдан иборат. Бу эса, аввало, аҳоли фаровонлиги олишида намоён бўлиши лозим. Бугунги анжуман доирасида қилинаётган, бажарилиши белгиланган аниқ тадбирлар, уларнинг дастлабки ҳулосалари ҳақида ҳам эшитдик. Уйлайманки, рейтинг талаблари ижроси республикада тадбиркорлар, чет эллик ҳамкорлар учун яратилётган қулай бизнес шароитларини янада оширишга хизмат қилади.

Сердар ЖЕПБАРОВ, Жаҳон банкнинг Ўзбекистондаги вакили вазифасини вақтинча бажарувчиси:

— Ўзбекистон Президенти томонидан ҳукумат олдида жуда катта вазифа қўйилган. Бу ҳам бўлса, рейтингда Ўзбекистон қайд этган натижаларни яхшилаш. Бунинг учун қўллаб соҳалар, тармоқлар ҳамкорликда иш олиб бориши талаб этилади. Аввало, янги иш ўринларини ташкил этиш, чет эл сармоясини фаол жалб қилиш кабилар шулар жумласидандир. Биз ҳам ташкилотимиз томонидан Ўзбекистонга бу борада амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида бир қатор ийрик лойиҳалар устида иш бошлаганимиз. Улар яқин истиқболда рейтинг натижаларини янада яхшилаш, турли кўрсаткичлар бўйича юқори натижаларни қўлга киритишга имкон беради.



ТОҒДАГИ

ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИ

сайёҳлар талабига жавоб берадими?

Хаво ҳарорати кўтарилгани сайин ҳамма табиат кўйига ошиқади. Сўлим, соя-салқин тоғ бағрида ҳордиқ чиқариш пайдан бўлади. Хўш, юртимизда бунинг учун етарли шарт-шароит яратилганми? Мавжуд инфратузилма объектлари эҳтиёжга ярашами? Уларда аҳолининг қанча қисмини қамраб олиш мумкин?

Туризм

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташаббуси билан марказий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун Тошкент вилоятига ташкил этилган инфо-тур давомида шу каби саволларга жавоб излади.

Таҳлилларга қараганда, илгари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида ҳудудий лойиҳалар ҳаётга деярли татбиқ этилмаган бўлса, жорий йилда ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг ярми ҳудудлар ҳиссасига тўғри келади. Қувонарлики, инвестицияларнинг салмоқли қисмини иқтисодиётнинг энг жозибали тармоқларидан бирига айланаётган туризм индустриясига йўналтириш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилмади.

Тошкент вилояти туризмни ривожлантириш департаменти директори Исмаил Нусуровнинг айтишича, жорий йилнинг биринчи чорагида туризм соҳасида умумий қиймати 57,4 миллиард сўмлик 17 та лойиҳа амалга оширилди. Шундан еттита меконхона, хостел ва соғломлаштириш мажмуалари бўлиб, уларда бир пайтада 425 нафар меконхона қабул қилиш имконияти яратилди. Бундай объектларни бунёд этиш ишлари асло су-сайтирилгани йўқ. Натихада тоғ ёнбағирларида бири-биридан

кўркам иншоотлар қад ростламоқда. Паркент туманида яқин кунлар

2019 йилнинг биринчи чорагида Тошкент вилоятига **866,1 минг** нафар сайёҳ ташриф буюрган бўлса, шундан **71,6 минг** нафарини чет элликлар ташкил этди.

да фойдаланишга топширилиши кутилаётган "Edelweiss" мажмуаси — шулардан бири.

Паркентсой бўйида, Тянь-Шань тоғининг шундоқ эстагида қурилган мазкур меконхона пештоқига бешта юлдуз тақилиши мўлжалланмоқда. Сабаби, беш қаватли иншоот ҳамда унга туташ ҳудудда дам олувчилар учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Халқро стандартларга мувофиқ жиҳозланган люкс хоналар ва коттежлар, очик ҳамда ёпиқ ҳовузлар, спорт, айниқса, унинг экстремал турлари ишқибозлари учун махсус майдон ва қурилмала — буларнинг барчаси меконхона ихтиёрига берилди.

— Бундай кўркам меконхоналар қуриши ҳаётнинг ўзи тақозо қилаётган эди, — дейди С. Азимов номидаги "Физика — Кўёш" ИИЧБ Материалшунослик институти катта илмий ходими, техника фанлари номзоди Йўлдош Собиров. —

Хавоси тоза, суви шифобахш бўлган Кумушконга келувчилар жуда кўп. Айниқса, шу пайтгача стратегик объект мақомига эга бўлган институтимиз "Катта Кўёш печи" қизилувчиларга ўз эшикларини очгач, сайёҳлар янада кўпаймоқда. Ҳатто хориждан келаётганлар ҳам талайгина. Уларнинг ил-

Бўстонлик туманидаги "Turon resort SPA" меконхона мажмуаси қурилиш майдонига ташриф буюргач, хайратимиз янада ошди. Денгиз сатҳидан 1400 метр баландликда, унча-мунча одамнинг улуда юришга юраги дов бермайди. Мураккаб тоғ шароитида улкан меконхона қуриш осонми?! Тагин, катта техникаларда...

— Тўртта иншоотдан иборат мажмуамиз мамлакатимизда энг замонавий дам олиш масканларидан бирига айланади, — дейди лойиҳа раҳбари Абдурасул Абдухалилов. — Испаниялик мутахассислар томонидан лойиҳалаштирилган мажмуамиз плюс беш юлдузли меконхоналар тоифасига киритилади. Унинг биринчи босқи-



мий туризмдан баҳраманд бўлишлари учун шу каби меконхоналарни кўпайтириш зарур. Ахир бундай қурилма дунёда атиги иккита. Бири Францияда бўлса, иккинчиси Ўзбекистонда!

чини шу йилнинг июнь ойида ишга туширсак, сентябрда тўлиқ фойдаланишга топширишни мўлжаллаб турибмиз.

Хайратимиз босилмай яна йўлга чиқамиз. Аниқроғи, йўлланмас

автоуловда тепага кўтариламан. Чимён тоғининг энг баланд нуқтасидаман. Аксарият ҳаммасларимиз бу ерда одамлар бунчалик кўп бўлишни кўтирмаган шекилли, болажонларнинг қий-қувидан лол қолишимиз. Уларнинг айтишича, ўтган йилнинг сўнгида фойдаланишга топширилган "Surra" кўнгилочар мажмуаси аллақачон юртдошларимизнинг сеvimли масканларидан бирига айланиб улгурибди.

"Surra" — Швейцария усулида бунёд этилган, оилавий дам олувчиларга мўлжалланган маскан бўлиб, 40 та "лайфбок" ва 10 та "шалля"дан иборат. Уларнинг ҳар бирида битта оила жойлашади. Хоҳловчилар эса табиат кўйида ҳордиқ чиқариши мумкин. Бунинг учун ҳам зарур шарт-шароит яратилган. Унинг эшиклари йилнинг исталган мавсумида, ҳатто киш фаслида ҳам очик.

— Ўзбек халқи болажон бўлади, — дейди ушбу мажмуа директори ўринбосари Улғубек Нарзиқулов. — Хоналарни жиҳозлашда ана шу жиҳатга эътибор қаратганмиз. Очик майдонда эса турли аттракционлар ўрнатдик. Айни пайтда осма дорйўли, очик ва ёпиқ сув ҳавзаси кўриш харақатини бошлаб юбордик.

"Surra"дан пастлаб, чамаси 3-4 километр йўл боссангиз, Билдирсой кўйида қад кўтарган улкан иншоотга кўзингиз тушади. Табиатга уйғун тусда, ўзига хос диван асосида бунёд этилган бу мажмуа "Тибет" санаторий-меконхонасидир. Айни пайтада уни жиҳозлаш ишлари якунига етказилмоқда. Ҳадемай, бу ерда бир вақтнинг ўзида 120 нафар киши дам олиб, ўз соғлигини тиклаб олиши мумкин.

Унинг бошқа санаторийлардан фарқи жиҳати шундаки, бу ерда хориждан олиб келинган шифобахш балчиқ ёрдамида муолажалар ҳам қилинади. Бундан ташқари, халқ табиати асосида ҳудуддаги минерал тузларга бой булоқ сувлари, шифобахш гиёҳлар воситасида махсус ванналар қабул қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Мутасаддиларнинг айтишларича, булар янги сайёҳлик мавсумида фойдаланишга топширилган объектларнинг бир қисми, холос. Зеро, вилоятда икки йилда 200 та меконхона бунёд этиш режа-лаштирилган. Бундан ташқари, юзлаб меконхона уйлари, хостел ва бошқа жойлаштириш воситалари ҳам ишга тушириладики, буларнинг барчаси аҳолининг катта қисмини қамраб олиш, уларга сифатли хизмат кўрсатишга қаратилган.

Саид РАҲМОНОВ («Халқ сўзи»).

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР ТАФСИЛОТЛАР

ЭЛЧИХОНАЛАР БИЛАН ОНЛАЙН МУЛОҚОТ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Наманган давлат университетидида республикамизнинг 7 та олий таълим муассасаси билан онлайн мулоқот асосида ёш тадқиқотчилар ва диссертантлар ўртасида семинар-тренинглр ўтказиш имконини берувчи виртуал докторантура таълим маркази очилди.

Муассаса 16 минг евро қийматидаги ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Улар ёрдамида бир вақтнинг ўзида тизимга киритилган олий таълим муассасалари ўртасида видеомулоқот ташкил этиш, шунингдек, дунёнинг исталган ОТМлари билан онлайн маърузалар ўтказиш имконияти мавжуд.

Виртуал таълим марказида мамлакатимизнинг Англия, Франция, Бельгиядаги элчихоналари билан инвестиция қилириши масаласида мунозама онлайн мулоқот олиб бориламоқда.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

ЎЗБЕК ОЛИМИ ЖАҲОН БАНКИ ГРАНТИГА САЗОВОР БЎЛДИ

Жаҳон банки томонидан молиялаштирилган Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустахкамлаш лойиҳасининг Академик инновациялар фонди лойиҳалар танлови ўтказилди.

Унда Андижон давлат университети "Қайта тикландиган энергия манбаларининг физикаси ва атроф-муҳит барқарорлиги бўйича магистрик дастурини такомиллаштириш орқали талабаларнинг ижодий ва инновацион фаолиятини рағбатлантириш" мавзусидаги лойиҳаси голиб деб топилди. Уни амалга ошириш учун Жаҳон банки томонидан 140 минг АҚШ доллари қийматидаги маблағ ажратилган бўлди.

— Эндиликда мамлакатимизда ҳам бу соҳада рақобатбардош мутахассислар тайёрланади, — дейди лойиҳа муаллифи, техника фанлари доктори, профессор Райимжон Алиев. — Ажратилаётган маблағ эса илмий лаборатория-ни қайта жиҳозлаш, профессор-ўқитувчиларнинг хорижда малака оширишларига сарфланади.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

МАСОФА ҚИСКАРДИ

Оқбилор ва Ямбарақ қишлоқлари ўртасида Чимён билан Водинли боғловчи 8 километрик йўл қисқа мuddатда қуриб битказилди.

Бунинг учун 21 миллиард сўм маблағ сарфланди. Натихада масофа 30 километр қисқарди. Эндиликда одамларнинг вақти ҳам, маблағи ҳам тежалмоқда. Шунингдек, янги қурилган йўл Олтиарик, Риштон туманларидаги 250 мингдан ортиқ аҳолининг ҳам узоғини яқин қилади.

Элёржон ЭҲСОНОВ («Халқ сўзи»).

ЭЪЛОНЛАР

БОҒДОРЧИЛИКДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР



Хоразм вилоятининг интенсив боғларига Франция ва Туркиядан пакана ҳамда яримпакана мевали дарахт кўчатлари келтириб экилмоқда.

— Боғдорчиликда энг мураккаби дарахтга шакл бериш ва пишган меваларни сифатли териб олишдир, — дейди туркиялик мутахассис Бурхон Аваз. — Интенсив боғларда бу жараён қулай кенеди. Пакана дарахтларнинг илдизи ҳам ер юзасида жойлашади, уларни томчилатиб сугориш яхши самара беради. Хоразм вилоятининг тупроқ ҳамда иқлим шароитини ўрганиб, шу ҳудудга мос навларни олиб келина-

миз. Вилоятда Туркия билан ҳамкорликда кўчатчиликка ихти-сослаштирилган қўшма корхона ташкил қилинди.

Одилбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»).

Фахр

Яккабоғ туманидаги 75-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Абдумалик Абдусалимов Шри-Ланканинг Калутара шаҳрида ёш шахматчилар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида олтин медалга сазовор бўлди.

Калутарадаги муваффақият

— Халқаро мусобақанинг сўнги турида Ҳиндистон вакилини оқ донларда мағлуб этиб, жами 7 очко жамгардим, — дейди Абдумалик. — Натихада голиб-ликка эришдим. Ушбу чемпионатда мамлакатим-

миз терма жамоаси аъзолари муваффақиятли қатнашиб, якунда 5 та олтин, 2 та кумуш ва битта бронза медални қўлга киритди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ («Халқ сўзи»).

POYTAХTBANK

«ПОЙТАХТ БАНК» АЖ

сервер ускуналари хариди бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Тақдирлар 2019 йилнинг 20 апрелига қадар топширилиши лозим.

Техник талабларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:

71-214-20-20, 97-757-55-95.

100063, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ислон Каримов шоҳқўчаси, 55-уй.

E-mail: dit@poytaxtbank.uz

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ)

2018/2019 ўқув йили учун қуйидаги кафедраларнинг вакант жойларига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Гидравлика ва гидроинформатика кафедраси: доцент.
2. Гидрология ва гидрогеология кафедраси: доцент, ассистент.
3. Ирригация ва мелiorация кафедраси: профессор.
4. Экология ва сув ресурсларини бошқариш кафедраси: — 0,5 ставка профессор, доцент.
5. Гидротехника иншоотлари ва муҳандислик конструкциялари кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент.
6. Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш кафедраси: доцент.
7. Назарий ва қурилиш механикаси: катта ўқитувчи.
8. Тракторлар ва автомобиллар кафедраси: катта ўқитувчи.
9. Умумтехник фанлар кафедраси: доцент.
10. Гидромелиоратив ишларни механизациялаш кафедраси: доцент.
11. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси: доцент.
12. Экологик жараён ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш кафедраси: доцент.
13. Электротехнологиялар ва электр жиҳозларидан фойдаланиш кафедраси: доцент, ассистент.
14. Ердан фойдаланиш кафедраси: ассистент.
15. Геодезия ва геоинформатика кафедраси: доцент, ассистент.
16. Менежмент кафедраси: доцент.
17. Иқтисодий назария асослари кафедраси: кафедра мудири.
18. Илмий тили кафедраси: ўқитувчи.
19. Олий математика кафедраси: доцент, катта ўқитувчи.
20. Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси кафедраси: профессор.
21. Экологик геоахборот тизимлар маркази: профессор, ассистент.

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙДАГИ ҲУҲЖАТЛАР ТОПШИРИЛИШИ ЛОЗИМ:

- ариза (ректор номига);
- шахсий варақа (сўровнома);
- 2 дона 3x4 см. ўлчамдаги фотосурат;
- илмий ва услубий ишлар рўйхати (иш жойидан тасдиқланган шаклда);
- дипломлардан нусхалар;
- малака оширилганлиги тўғрисида сертификат нусхалари (охириги 5 йиллик);
- паспорт нусхаси.

Аризалар матбуотда эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мuddатгача қабул қилинади.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, Қори-Нийзий кўчаси, 39-уйда жойлашган ТИҚХММИнинг ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 71-237-19-49, 71-237-09-85.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ БЎШ ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

1. Хореография кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин.
2. Хореография кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.
3. Санъат назарияси ва тарихи кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин.
4. Санъат назарияси ва тарихи кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН ҚУЙДАГИ ҲУҲЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

1. Ректор номига ариза.
2. Ходимнинг шахсий варақаси.
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари.
4. Паспорт нусхаси.
5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда).
6. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.
7. Мехнат дафтарчасининг нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мuddатда қабул қилинади.

Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй.

Телефонлар: 71-256-36-91, 71-256-24-36.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 59 932 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Ташрифта келган кўлаблар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайлади.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Каримова.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 23.35 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6